

дий маҳсулот ҳажмининг ошиши катта роль ўйнаши, бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши ҳамда аҳолининг ўз-ўзини банд қилиши орқали кўпроқ даромад олишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ишсизликни камайтириш, қонунчилик базасини тизимли равишда такомиллаштириш ва қонун устуворлигини ўрнатишни назарда тутувчи инвестиция муҳитини яхшилаш масаласига эътибор қаратиш лозим. Қулай инвестиция муҳитини яратиш ва инвестицион жозибадорлик даражасини ошириш механизмларини қўллаш бўйича Хитой Халқ Республикаси ва дунёнинг бошқа мамлакатлари томонидан намойиш этилган ижобий тажрибадан фойдаланиш мумкин. Хусусан, инвестиция сиёсати чора-тадбирларини шакллантиришга тармоқ ёндашувини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг доирасида инвестиция сиёсатининг иқтисодийнинг устувор тармоқларида энг самарали техноло-

гия ва фанни талаб қилувчи лойиҳаларни ишлаб чиқишга йўналтирилиши таъминланади.

Бандлик имкониятларини кенгайтиришнинг энг муҳим шарти тадбиркорликни барқарор ривожлантириш учун қулай муҳит яратишдир. Шу билан бирга, солиқ имтиёзларининг мослашувчан механизмини қўллаш билан биргаликда консалтинг хизматларини кўрсатиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини мослаштириш мақсадга мувофиқ. Инвестиция лойиҳаларини мақсадли ва имтиёзли кредитлашнинг ташкилий, молиявий ҳамда иқтисодий механизмларини фаоллаштириш, янги иш ўринларини яратиш учун субсидиялар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш, янги корхоналар ва иш ўринлари ташкил этиш, ишсизларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини иш билан таъминлаш учун субсидиялар ажратиш, шу жумладан, ҳудудий субсидиялар бериш, бизнес-инкубаторларни яратиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 апрелдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни.
2. Абдурахманова Г.К. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. – Т.: Фан, 2021. – 692 бет.
3. Холмуминов Ш.Р. Совершенствование планирования трудовых ресурсов АПК региона. – Т.: Мехнат, 1989. – 157 с.
4. Котляр А.Э., Трубин В.В. Проблемы регулирования перераспределения рабочей силы. – М.: Экономика, 1978. – 168 с.
5. Павленков В.А. Рынок труда. Занятость. Безработица. Учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальности 060200-“Экономика труда”.
6. Тарасова Н. Трудовые отношения в условиях глобализации и технологической революции (опыт стран запада). // Общество и экономика. – М., 2000. № 1. С. 67.
7. Холмуминов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2016. 150-155-б.
8. Миролимов М.М. “Минтақа меҳнат бозорининг статистик тадқиқотини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат.
9. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: Фан, 2019 йил. – 598 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти. <https://Stat.uz>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси расмий сайти. <https://Toshvilstat.uz>.
12. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги расмий сайти ва йиллик тўпламлари. <https://mehnat/uz>.



 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a14

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Усманов Баходир Бахтиёрович
“UzAssets” АЖ Йиғма ахборот-таҳлил
ва фаолиятни қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи

Аннотация. Мақолада аҳоли турмуш фаровонлигининг илғор хорижий тажрибалари ўрганилган. Жумладан, Хитой, Германия ва Туркия каби етакчи иқтисодий мамлакатларининг тажрибалари ўрганилган ва ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда илғор тажрибалар асосида тизимли такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳаёт фаровонлиги, инсон капитали, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам пакети.

ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

Усманов Баходир Бахтиёровичначальник управления анализа совокупной информации
и вспомогательная деятельность АО «UzAssets»

Аннотация. В статье рассматривается передовой зарубежный опыт повышения благосостояния населения. В частности, был изучен опыт ведущих экономических стран, таких как Китай, Германия и Турция, и проанализированы тенденции развития. На основе передового опыта социальной защиты населения разработаны научные рекомендации, направленные на совершенствование системы.

Ключевые слова: благосостояние жизни, человеческий капитал, социальная защита, пакет социальной помощи, железная тетрадь, женская тетрадь.

ADVANCED FOREIGN EXPERIENCES OF ENSURING THE WELL-BEING OF THE POPULATION

Usmanov Bakhodir BakhtiyorovichJSC "UzAssets", head of department analysis
of aggregate information and support activities

Annotation. The article examines advanced foreign experiences of population well-being. In particular, the experiences of leading economic countries such as China, Germany and Turkey were studied and development trends were analyzed. Based on best practices in social protection of the population, scientific recommendations aimed at improving the system have been developed.

Key words: welfare of life, human capital, social protection, social assistance package.

Кириш. Аҳоли турмуш фаровонлиги охирги йилларда сезиларли ўзгара бошлади. Ушбу тенденциянинг ривожланишида икки жиҳат алоҳида ўрин тутди. Биринчидан, глобал ўртача даромаддан юқори даромадга эга мамлакатларда камбағаллик миқёсининг камайиб бораётганлиги; иккинчидан, аҳолининг ижтимоий соҳа ва коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондиришга бўлган рақамларнинг ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ривожланган мамлакатлар билимга асосланган иқтисодий шакллантириш орқали аҳоли даромадлари манбаини кенгайтиришга эришмоқда. Шунингдек, аҳолининг электр ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондиришда “яшил” иқтисодий тамойилининг ривожлантирилиши натижасида арзон энергия ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари вужудга келди.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, глобал ЯИМ киши бошига ўртача 1960 йилда 456,8 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 12647,5 АҚШ долларига тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич тенденциясининг бу каби ривожланиши аҳолининг сотиб олиш қобилияти ўсиб бораётганлигини англатади. Ўз навбатида, 1950 йилда қашшоқлик мақомида истиқомат қилаётганлар ер шари аҳолисининг 58,5 фоизига тенг бўлган бўлса,

ушбу рақам 2020 йилга келиб, 8,1 фоизни ташкил этган (Жаҳон банки маълумотлари).

Бизнингча, аҳоли турмуш фаровонлигининг даромад нуқтаи назаридан ижобий силжишларга эга бўлаётганлигини кузатишимиз мумкин. Шундай бўлса-да, глобал миқёсда давлатнинг ижтимоий ҳимоя дастурларига бўлган эҳтиёжи сақланиб қолаётган аҳоли қатлами мавжудлигини таъкидлаш лозим. Шу боисдан, аҳоли турмуш фаровонлигини глобал ва мамлакат нуқтаи назаридан аниқлаш ва баҳолаш алоҳида хусусият билан гавдаланиши тадқиқотларни амалга оширишга бўлган заруратни кўрсатиб беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда назарий қарашлар тизимлаштирилади. Улар эмпирик тадқиқотларнинг назарий хулосаларини қиёсий баҳолашга имкон берувчи методлар асосида шакллантирилади. Тадқиқотлар асосида назарий-илмий хулосалар шакллантирилади.

Адабиётлар шарҳи. Мамлакатлар ўртасидаги даромадлар тенгсизлиги ортиб бораётган бўлса-да, Хитой ва Ҳиндистоннинг жадал иқтисодий ўсишга эга бўлаётганлиги ер шари аҳолиси ўртасидаги даромадлар тенгсизлиги пасаяётганлигини англатишини таъкидлаш лозим. Умуман олганда, БМТ мамлакатларнинг ривожланганлик мақомини инсон тараққиёти индекси билан ифодалаб келади. Ушбу категория 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар йиллик инсон тараққиёти индексининг

мамлакатлар бўйича эълон қилиниши билан боғлиқ ҳисобланади. Ушбу ташкилот ривожланган мамлакат юқори инсон тараққиётига эга бўлиши билан акс этишини эълон қилиб келади.

Жаҳон банки ривожланган мамлакат мақомини тўғридан-тўғри ишлатмаса-да, юқори даромадли мамлакатларнинг ривожланган тоифасига тегишли эканлигини кузатиш мумкин. Бунда мамлакатлар миллий даромадлари ўртача тақсимоти нуқтаи назаридан давлатларнинг иқтисодий мақомини белгилашда фойдаланиб келишини кўриш мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЕСД) тўғридан-тўғри ривожланган мамлакат мақомидан ўз аъзоларининг аксарият қисмига нисбатан фойдаланиб келади. Мазкур ташкилотнинг тавсиясига кўра, ўртача даромаднинг 30000 АҚШ долларидан катта бўлиши ва технологик жиҳатдан қамров даражасининг юқори бўлиши нисбий кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Фикримизча, мамлакатларнинг ривожланганлик даражасини аниқлашда халқаро ташкилотлар турли ёндашувларни амалга оширмақда. Бунда даромадлар ҳажми ва инсон капиталининг ҳолати каби кўрсаткичлар алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичи ривожланган давлат мақомининг асосий омилига айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Олдинги тадқиқотларимизда таъкидлаганимиздек, фаровонликнинг ҳам аҳоли, ҳам давлат томонидан баҳоланиши нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Биз тадқиқотимизнинг мазкур қисмида аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Бунда биз Европа ва Осиёнинг етакчи иқтисодиёти тажрибаларини ўрганишни мақсад қилиб олганмиз.

Европа Иттифоқининг етакчи иқтисодиётидан бири ва ишончли ижтимоий ҳимоя дастурларига эга бўлган Германия тажрибасини ўрганишда мамлакатимиз учун хос бўлган тажрибаларни жорий этишга имкон туғилиши мумкин. Германия иқтисодиёти жаҳоннинг ҳажми бўйича тўртинчи иқтисодиёти бўлиб, 4 трлн. АҚШ долларидан ортиқ ЯИМга эга ҳисобланади. Киши бошига ўртача даромад 50 минг АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади.

Германияда ижтимоий ҳимоя дастури ҳам давлат, ҳам хусусий секторнинг ролига боғлиқ ҳолда шакллантирилган. Ушбу метод-

нинг мавжудлиги иш берувчиларга ҳам маълум маънода ижтимоий мажбуриятларни юклайди. Бунда иш берувчи ва ходимлар ўртасида ижтимоий фондлар учун тўловларнинг тақсимоти каби жиҳатлар ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади.

Доцент Г.Қосимова (2017) хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда ижтимоий ҳимоя бўйича суғурта тизимини ривожлантиришни таклиф этади. Германияда Бисмарк модели амал қилиши, унда давлат билан бирга нодавлат ташкилотларнинг ҳам зиммасига ижтимоий ҳимоя харажатлари юкланишини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, минимал ижтимоий ҳимоя мезонлари ижтимоий фаровонликни қоплаш коэффицентини жорий этишни тавсия этади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Германияда ижтимоий ҳимоя дастурида тиббий хизматлар ва пенсия таъминоти асосий элементлар эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида, тиббий хизматлар билан қамраб олишда тиббий суғурта механизмининг ўзига хос ўрни мавжуд бўлиб, фуқароларда давлат ва нодавлат шакллари танлашга имконият мавжуд. Пенсия таъминоти тизими эса ёши катта авлоднинг сотиб олиш қобилиятини сақлаб туриш ва уларни ижтимоий ҳимоялашни ўзида акс эттиради.

А.Боршч-Супан ва Х.Журдгес (2006) Германиядаги ижтимоий дастурнинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этишади. Уларнинг фикрича, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда пенсия таъминотининг роли алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, ёши катта аёл ва эркекларнинг даромадлари ошиши уларнинг турмуш фаровонлигига таъсири баҳоланади. Уларнинг хулосасига кўра, ёши катталарнинг ижтимоий ҳимоя дастури асосида истеъмолларининг таъминланиши камбағалликни камайтирмаслиги ва ёш авлод камбағаллигининг ортиши ёши катта авлодга мос равишда кўчишини аниқлашади. Шу боисдан ёш авлоднинг камбағаллик рискига тушиб қолмаслигининг олдини олиш муҳимлиги қайд этилади.

Германияда ижтимоий ёрдам дастури мавжуд бўлиб, ушбу дастур оиланинг сони ва таркиби, ижара каби омиллари асосида қамраб олишни назарда тутади. Ушбу моддий ёрдам шакли ишсизлик нафасидан фарқли равишда узоқ муддатга амал қилади. Ўз навбатида, ишсизлик нафақаси эса босқичма-босқич 12-32 ой мобайнида тўхтатиб борилади. Ишсизлик нафақаси ёлғиз бўлганларга охириги 12 ой давомидаги даромади, ишсизлик

суғуртаси кабиларга асосланган ҳолда уларнинг 60 фоизи миқдориди тўлаб берилади.

Ижтимоий ёрдам оилага минимал даромад миқдорини таъминлашни назарда тутди. Бунда оила бошлиғининг базавий харажатлари эътиборга олинади. Кейинги ҳар бир оила аъзосининг ёшига доир бўлган базавий харажатлар ва оиланинг ижара ёки ипотека харажатлари, энергия ресурси харажатлари инobatга олинган ҳолда ижтимоий ёрдам тўлаб борилади.

Ижтимоий ёрдам оладиган шахслар ўз имкониятлари доирасида меҳнат қилишлари ва даромадларга эга бўлишлари тавсия этилади. Шундай бўлса-да, белгиланган даромад чегарасидан юқори даромадга эга бўлган шахслар ушбу маблағнинг сезиларли қисмини

солиқ тарзида тўлаши лозим бўлади. Мамлакатда ижтимоий ҳимоя дастурлари бир неча қисмлардан иборат бўлиб, кам таъминланган оилалар учун нафақалар ижтимоий ёрдам шаклида амалга оширилади. Бунда қариялар учун ёки ишсиз нафақаси каби ҳолатлар алоҳида қоидалар асосида таъминланади.

Германияда “Ижтимоий кодекс” (SGB XII) ижтимоий ёрдамнинг амалга оширилишини таъминлаб беради. Ушбу кодексга охириги ўзгариш 2023 йил 16 августдаги 217-сонли ба G v. қонун асосида киритилган бўлиб, унда ижтимоий ёрдамни таъминлаш ва унда давлатнинг роли, немисларга хорижий мамлакатларда ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби жиҳатлар ўзининг аксини топган.

1-жадвал

Германияда ижтимоий ёрдам учун харажатлар тенденциялари

Йил	Жами	Қариллик ва ишсизлик нафақаси	Жумладан,					
			Реал ижтимоий ёрдам харажатлари					
			Жами	Жумладан,				
Ижтимоий ёрдам	Тиббий хизмат учун ёрдам	Имконияти чекланганлар учун ёрдам		Ғамхўрлик учун ёрдам	Аниқ ижтимоий мураккабликлар учун ёрдам			
2016	29 011,3	6073,1	22 938,2	1434,8	760,9	16 470,0	3796,4	476,0
2017	29 702,4	6339,1	23 363,3	1489,9	783,4	17 186,8	3391,1	512,1
2018	31 014,8	6626,7	24 388,1	1515,9	757,4	18 100,8	3471,7	542,3
2019	32 826,6	6873,4	25 953,3	1511,3	769,7	19 316,4	3776,6	579,3
2020	14 395,1	7565,1	6830,0	1185,1	743,4	ИКС -	4306,5	595,0
2021	15 327,8	8128,1	7 199,7	1181,0	674,8	ИКС -	4736,9	607,0
2022	14 924,1	8800,0	6 124,1	1279,0	726,4	ИКС -	3506,4	612,2

Манба: Федеральное статистическое управление, Германия.

Умуман олганда, Германияда ишсизлик ва қариллик нафақаси ижтимоий ёрдамнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. Ижтимоий ҳимоя таркиби ижтимоий ёрдам, тиббий хизматлар учун тўловлар, имконияти чекланган инсонлар учун тўловлар, ғамхўрлик учун моддий ёрдам кабиларни ўз ичига олади.

Германия Федерал статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2022 йилда 17,3 млн. аҳоли нисбий камбағаллик категорияси тузоғига тушганлигини қайд этади (Statistisches Bundesamt. Social reporting). Ушбу рақам жами аҳолининг 21 фоизи атрофида эканлигини инobatга оладиган бўлсак, мамлакатда даромадлар тақсимотининг нотекис шаклини чуқурлашётганлигини қайд этиш лозим. Аҳолининг 8,3 фоизи ёки 6,9 млн. киши ижтимоий ёрдам пакетларидан фойдаланмоқда. Бу эса мамлакатда ижтимоий ҳимояга бўлган талабнинг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Х.Шлор ва В.Фишер (2012) томонидан Германияда оила хўжалиги истеъмолнинг амалга ошиши ва уни молиялаштириш манбалари таҳлил этилади. Уларнинг фикрича, оилада ёлғиз яшаш ўз даромадлари орқали истеъмолни қоплай олиш имкони мавжудлиги, айниқса, ёлғиз аёлларнинг даромад ва харажатлари барқарор эканлиги исботланади. Бироқ оила қурган жуфтликлар фарзандли ёки фарзандсиз ҳолда ўз даромадлари билан харажатларини қоплай олиш имконияти пассив боришини кўрсатади. Бу эса ушбу тоифадаги оилаларнинг молиявий мустақиллиги барқарор эмаслигини акс эттиришини кўрсатади.

Оилаларнинг турли ижтимоий ёрдамга эҳтиёжи нуқтаи назаридан табақалаштирилган ижтимоий ёрдам таснифларини кўришимиз мумкин. 2020-2021 йилларда ижтимоий харажатлар ортганлигини кузатиш мумкин. Бизнингча, пандемиядан кейинги даврда аҳо-

ли даромадларида нобарқарорлик юзага келиши давлатнинг ижтимоий дастурларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқотимизни давом эттирган ҳолда ижтимоий ҳимоянинг Осиё тажрибасига эътибор қаратишни кўзда тутдик. Маълумки, ижтимоий давлат тушунчаси деганда, аксарият адабиётлар ғарб давлатларининг тажрибасини ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида етакчи мамлакат бўлган ва ҳажм нуқтаи назаридан 2-иқтисодиёт мақомига эга бўлган Хитой тажрибаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Хитой тажрибасида шаҳар ва қишлоқ дастурлари мавжуд бўлиб, аҳолини камбағалликдан чиқаришга қаратилган ўзгаришларни ўзида мужассам қилади.

Хитой тажрибасида камбағалликка қарши курашда иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги ва аҳолининг меҳнат билан банд бўлиши жиҳатлари алоҳида хусусият касб этади. Хитой раиси Си Цинпиннинг Ning De, Fujian провинциясида 1988-1990 йилларда олиб борган фаолияти давомида амалга оширган ислохотлари натижасида камбағалликни қисқартириш юзасидан айрим тажрибалар шаклланади. С.Цинпин (2016) муаллифлигидаги “Қашшоқликдан халос бўлиш” номли китобида камбағалликка қарши курашда шаҳар ва қишлоққа оид дастурларни таклиф этади. Шунингдек, узоқ муддатли дастурлар зарурлигини таъкидлайди.

Қишлоқ ва шаҳар дастурларининг ўзаро фарқи жиҳатлари ижтимоий сиёсатнинг текис тақсимот билан амалга оширилишига тўлиқ имкон бермаган. Масалан, шаҳар аҳолиси ахборотларга қулай эга бўлиши, даромадлар тақсимотининг барқарорлиги ва бошқа ўзгаришлардан тезкор фойдаланиш каби омиллар қишлоқдан шаҳарга миграциянинг кучайишига олиб келди. Шу боисдан Хитой абсолют камбағаллик мезони асосида камбағал аҳоли қатламини камайтиришга эришди десак, муболаға бўлмайди.

Давлат қишлоқ жойларда ижтимоий ҳимоя хусусиятини кучайтириш ва камбағалликка қарши курашда 2006 йилдан қишлоқ хўжалиги учун солиқларни бекор қилди, шунингдек, қишлоқ аҳолиси учун 2008 йилдан корпоратив тиббий суғурта механизмларини амалиётга киритганлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кўчиб келиши билан меҳнат муносабатларида уларнинг ижтимоий ҳимоя кафолатлари ҳам инobatга олинди. Натижада

уларнинг тиббий суғурта билан боғлиқ тенденциялари ривожлана бошлади.

Д.Давис (1989) Хитойнинг ижтимоий ҳимоя дастурининг урушдан кейинги 40 йиллик фаолияти ва натижалари борасидаги тадқиқотларни амалга оширади. Унинг фикрича, 1980 йилларда қишлоқ аҳолисининг 35 млн. аҳолиси шаҳарларга келиб ишлаётганлиги ва ўз оилаларига пул жўнатмаларини амалга ошириши ёки оилалари билан бирга келиб, ишлаб яшаётганликларига эътибор қаратади. Ушбу тенденциянинг асосий сабаби сифатида ушбу даврда ҳам шаҳар ва қишлоқ турмуш фаровонлиги ва ижтимоий ҳимоя дастурлари ўртасидаги сезиларли фарқ келтирилади.

Хитойда охириги йилларда тўпланган тажриба асосида ижтимоий ҳимоя сиёсати учта категория бўйича шаклланганлигини қайд этиш лозим. Ушбу ижтимоий ҳимоя тизими биринчи тури ижтимоий суғурта ёки таъминот бўлиб, ижтимоий ёрдамнинг пенсия, тиббий хизматлар учун тўловлар, ишсизлик ва болали оналарга тўловлар, шунингдек, меҳнатда майиб бўлиш кабиларни молиявий қоплашни ўзида акс эттиради. Иккинчидан, ижтимоий хизматлар бўлиб, унда ёши катталар, имконияти чекланган ва мигрантлар (маҳаллий) учун тўловлар кабиларни ўз ичига олади. Учунчидан, ижтимоий енгиллик бўлиб, унда даромадга эга бўлмаган қариялар ва ногиронлар учун нақд кўринишида моддий ёрдам кўрсатишни назарда тутлади.

Фикримизча, Хитой тажрибасида камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий фаровонликни таъминлашда ижтимоий ёрдамнинг таснифларга ажратилганлиги ўзига хос хусусиятга эга ҳисобланади. Ижтимоий ёрдам давлат иқтисодий сиёсатининг бир қисми бўлганлиги, унда фаровонликни таъминлаш билан бирга камбағалликни қисқартириш юзасидан қатор амалий ишлар амалга оширилганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

1990 йилларда ижтимоий ёрдамни таснифлаштириш жараёнлари бошланди. Унга кўра, ижтимоий таъминот, хизматлар ва ёрдам шакллари корхона ёки бошқа муассаса ходимларига йўналтирилган ҳолда эмас, балки марказий ва маҳаллий давлат органлари доирасида амалга оширилиши назарда тутилди. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя дастурлари номарказлаштириш тенденциялари амалга оширила бошланди. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари маблағларни тўплаш ва уларни қайта тақсимлаш каби вазифаларни амалга ошира бошлади. Шу билан бирга,

нодавлат ижтимоий ҳимоя дастурларининг ҳам жорий этилиши каби тенденцияларнинг вужудга келиши Хитойда янги қадамларнинг ташланишига олиб келди. Бунда ҳар бир иш берувчи томонидан ижтимоий пакетларнинг таъминланишини назарда тутувчи тенденцияларнинг вужудга келиши бошланди.


1994 йилда “Меҳнат тўғрисида”ги, 2008 йилда “Меҳнат шартномаси тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ишчиларнинг ижтимоий пакет билан таъминланишида алоҳида ўринга эга бўлди. Шу билан бирга, икки турдаги: а) мамлакатдаги барча резидентлар ва б) ишчи-ходимлар учун алоҳида базавий тиббий суғурта механизмлари ишга туширилди. Унга кўра, иш берувчилар ўз ходимлари учун базавий тиббий хизматларни молиялаштиришни таъминлаши лозим бўлади.

Шу нуқтаи назардан, 2020 йилга келиб, Хитой аҳолисининг 95 фоизи тиббий суғуртанинг у ёки бу тури билан қамраб олинди. Шундан 75 фоиз (1,02 млрд.) аҳоли резидентлар учун базавий тиббий суғурта билан қамраб олинган бўлса, 340 млн. ишчи-ходимлар

иш берувчи тиббий суғуртаси билан таъминланган эди. Шунингдек, пенсияга чиққан ишчи-ходимлар ушбу аҳолининг 6 фоизини ташкил этди (1-расмга қаранг) (China’s social security system).

Ушбу тенденцияларнинг ривожланиши натижасида аҳолининг тиббий хизматлар билан таъминланиш жараёнлари ошиб бора бошлади. Ушбу харажатлар учун давлатнинг харажатлари 2009 йилдаги 482 млрд. юандан 2018 йилда 1,640 млрд. юанга етганлиги, аҳолининг ушбу даврдаги тиббий хизматларга “чўнтак харажатлари” мос равишда 37,46 фоиздан 28,61 фоизга ўзгарди (A simple overview of China’s basic medical insurance system).

Бизнингча, ушбу тенденцияларнинг вужудга келаётганлиги давлатнинг ижтимоий ҳимоя дастурларида иш берувчиларнинг фаол қатнашаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бўлган харажатларини қисқартиришда, бюджетга молиявий юкнинг пасайиши солик юкининг камайишига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.



1-расм. Давлат тиббий суғурта билан қамраб олиши, 2020 йил

М.Блахланд ва Х.Шанг(2014) ўзларининг тадқиқотида Хитой ижтимоий ҳимоя дастурларини таҳлил қилишади. 1980 йилдан кейинги 35 йилда Хитойда камбағалликни қисқартиришда даромадлар орқали амалга оширилишига асосий эътибор қаратилганлиги, ижтимоий дастурлар эса ушбу ислохотларнинг “қолдиқ” қисми бўлиб амалга ошганлигини таъкидлашади. Кейинчалик ислохотлар инсонга йўналтирилган тарзда ривожланиши билан камбағалликка қарши кураш ва турмуш фарвонлигини таъминлаш кенг қамровли жараён эканлиги вужудга келади. Бу эса давлат-

нинг ижтимоий дастурлари кенгайишига олиб келади.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида Туркия давлатининг ижтимоий ҳимоя сиёсати билан боғлиқ бўлган тенденцияларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз. Туркия жаҳон иқтисодиётида йирик улушга эга бўлган ва 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ иқтисодиётга, киши бошига 10 минг АҚШ долларидан ўртача ортиқ даромадга эга бўлган мамлакат ҳисобланади.

Туркиянинг ижтимоий дастурларга йўналтирилган харажатлари ЯИМга нисбатан 1990

йилда 3,8 фоиз бўлга бўлса, 2017 йилга келиб ушбу рақам 12,1 фоизни ташкил этган (Social spending makes up 20 % of OECD GDP). Ушбу рақамнинг уч баробарга ошганлиги ва жорий кундаги миқдори ижтимоий дастурларнинг сезиларли аҳамиятга эга эканлигини ўзида акс эттиради, деб ўйлаймиз.

Туркияда ижтимоий ёрдам фуқароларнинг иш билан бандлик даражаси (хусусий, давлат ва ўз-ўзини банд қилиш) билан бирга даромад ҳажмига боғлиқ камбағаллик чегараси асосида аниқланиши жорий этилган. Унда туркларнинг зиммасида бўлган оила аъзоларининг сони каби жиҳатлар ҳам эътиборга олинади. Сўнгги йилларда камбағаллик даражаси сезиларли камайишга эришди. Жумла-

дан, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, мамлакатда 2002-2013 йилларда нисбий камбағаллик 44 фоиздан 19 фоизга тушган бўлса, мутлақ камбағаллик 13 фоиздан 3 фоизга пасайганлигини қайд этиш мумкин (World Bank, 2005).

Шу ўринда қайд этиш лозим, Туркияда камбағаллик рискига учраши мумкин бўлган аҳоли улуши статистикаси юритилади. Бунда аҳоли ёш гуруҳлари доирасида камбағалликка тушиб қолиши мумкин бўлган гуруҳлар таснифлаштирилган бўлиб, унда иқтисодиётда сотиб олиш қобилиятининг пасайиб кетиш тенденциясини кузатишга имкон туғилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Туркияда 2015-2022 йилларда ёш гуруҳлари бўйича камбағаллик
риск кўрсаткичи, фоизда

Ёш гуруҳлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Барча ёш	34,0	33,2	30,7	30,4	32,1	32,1	32,9	32,6
0-17	42,6	42,0	39,6	39,7	41,8	42,3	43,7	42,7
18-64	30,7	30,4	27,8	27,6	29,3	30,3	30,7	30,2
65+	28,7	24,0	21,9	20,8	20,5	17,0	16,8	20,5

Манба: Poverty and Living Conditions Statistics, 2022.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, камбағаллик рискига учраши мумкин бўлганлар аҳолининг 1/3 қисмига тенг бўлмоқда. Бунда 17 ёшгача бўлганларнинг улуши юқори бўлса, 65 ёшдан ошганлар камбағалликка тушиб қолиши кичикроқ таъсирга эга бўлмоқда. Қайд этиш лозим, 2022 йилда нисбий камбағаллик даражаси 14,4 фоизни ташкил этган бўлса-да, камбағалликка тушиб қолиши мумкин бўлган аҳолининг улуши бирмунча юқорироқ бўлмоқда. Бу эса давлатнинг аниқ ислохотлар ишлаб чиқишида хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Камбағаллик rischi (тузоғи)га тушиб қолиши мумкин бўлган аҳоли статистикасини юритишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

– аҳолининг ёшини жинслар кесимида ажратиш;

– аҳолининг таълим олганлик ва соғлиқ кўрсаткичлари даражаси асосида таснифлаш;

– аҳолининг энергия ресурслари, ичимлик суви ва ҳаётий зарур инфратузилмаларга бўлган эгалик ҳолатини ҳам инобатга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Туркияда ижтимоий ҳимоя сиёсатида фуқароларнинг ижтимоий ёрдамга мос келиши ёки йўқлигини баҳолаш учун 2010 йилда

Ижтимоий ёрдам интеграциялашган тизими (Integrated Social Assistance System, ISAS) ишга туширилган бўлиб, давлатнинг 22 та турли органларининг маълумотлари асосида фуқароларнинг ижтимоий ҳолатини баҳолаб беришга хизмат қилади.

ISAS 2010 йилдан буён 30 млн. дан ортиқ аризаларни кўриб чиққан, 13 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 340 млн. дан ортиқ ижтимоий ёрдам транзакцияларини амалга оширганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур интеграциялашган тизимда ижтимоий ёрдам пакетлари икки асосга кўра таснифланган: биринчидан, даромадлар бўйича ёрдам бериш; иккинчидан, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш билан ифодаланади (Turkey’s Integrated Social Assistance System).

Даромадлар юзасидан ёрдам қуйидаги категориялар бўйича амалга оширилади:

– оила – овқат, кўмир (бева аёл ва ҳарбий оиласи);

– таълим – таълим учун ёрдам, нақд кўринишдаги ўтказмалар;

– соғлиқни сақлаш – нақд кўринишдаги ўтказмалар;

– пенсия таъминоти – ёшга доир пенсия, ногиронлик нафақаси;

– уйдаги ғамхўрлик – уйда бошқаларга ғамхўрлик қилиш.

Ижтимоий хизматлар фойдаланиш юзасидан ижтимоий ёрдам таркиби:

– соғлиқни сақлаш – универсал тиббий суғурта;

– уй-жой – бошпана, ижтимоий уй-жой таъминоти;

– озиқ-овқат – бепул озиқ-овқат маҳсулотлари;

– таянч ва ўрта таълим – бепул дарслик, тушлик, транспорт ва бошпана тўлови, имконияти чекланган талаба транспорти, мактабда сут бериш, грантлар;

– олий таълим – грантлар ва озиқ-овқат таъминоти кабиларни келтириш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Германияда ижтимоий ҳимоя юзасидан олиб борилган ўрганишлар натижасида мамлакатимизда қуйидаги илмий тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик:

– ёшлар ўртасида камбағаллик рискнинг ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида улар ўртасида ижтимоий ёрдамга бўлган қарамликни камайтириш;

– ижтимоий ҳимояни таъминлашда оилаларда ота-оналардан ёлғизлиги ёки жуфтлигини инобатга олиш;

– ижтимоий ёрдамни даромад ҳажмига эмас, балки ижтимоий зарурат шаклига қараб табақалаштириш. Бунда ногиронлик, унга ғамхўрлик ва соғлиқни сақлашнинг стационар шакллари кабиларни инобатга олиш;

– минимал истеъмолни таъминлаш хусусиятидаги даромадни солиққа тортиш юзасидан имтиёз бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Фикримизча, Германия тажрибасининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз шароитида ижтимоий ҳимоя дастурларининг манзиллиги ва инсонга йўналтирилганлиги хусусиятини янада оптималлаштиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Хитой тажрибасини тадқиқ этиш натижасида Ўзбекистон шароитида қуйидаги тав-

сияларни амалиётга жорий этиш ўзининг ижобий натижаларини беради, деб ўйлаймиз:

– камбағалликни қисқартиришда аҳолининг манзилли ижтимоий дастурларини ишга тушириш ва турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги;

– камбағалликка қарши курашда ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олиб, ҳудудга йўналтирилган ижтимоий дастурларни ҳаётга жорий этиш;

– иш берувчилар томонидан корпоратив ижтимоий пакетларни таъминлашда таълим ва тиббиёт хизматларининг қамраб олинишини назарда тутиш ва бунга доир қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш;

– ижтимоий ҳимоя дастурларини аҳоли ёш тоифаси ва ҳудуд, эҳтиёжи юзасидан таснифларга ажратиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотларга асосан Туркия тажрибаси асосида мамлакатимиз ижтимоий ҳимоя дастурларини қуйидагича жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

– ижтимоий ёрдамнинг моддий ва номоддий кўринишда амалга ошишини тизимлаштириш. Бунда ижтимоий хизматларни бепул тақдим этиш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ;

– кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига жамоат транспортларидан фойдаланишда имтиёзлар тақдим этиш;

– таълим олишда бепул ўқув қуроллари ва китоблари билан таъминлашни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ижтимоий ҳимоя сиёсатини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларнинг ўзига хос бўлган жиҳатларини жорий этиш ўзининг ижобий натижаларини беради, деб ҳисоблаймиз. Булар сирасига ижтимоий ҳимоя дастурларини ҳудудлар кесимида табақалаштириш, моддий ва номоддий кўринишдаги шакллари тизимлаштириш кабиларни келтириш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жаҳон банки маълумотлари. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.CD>
2. Қосимова Г.А. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя харажатларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // *Иқтисод ва молия*, 2017. 2-сон. 48-58-б.
3. Axel Börsch-Supan, Hendrik Jürges. *Early retirement, social security and well-being in Germany*. NBER, Cambridge, MA 02138 June 2006.
4. Statistisches Bundesamt. *Social reporting*. https://www.destatis.de/EN/Themes/Society-Environment/Social-Statistics/Social-Reporting/_node.html#sprg241472
5. Федеральное статистическое управление. *Расходы и доходы от социальной помощи согласно SGB XII*. <https://www.destatis.de/DE/Themen/Gesellschaft-Umwelt/Soziales/Sozialhilfe/Tabellen/ausgaben-einnahmen-t02-nettoausgaben-insg-hilfearten-ilj-zv.html>

6. Schlör H., Fischer W. & Hake J.-F. (2012). Measuring social welfare, energy and inequality in Germany. *Applied Energy*, 97, 135-142. doi:10.1016/j.apenergy.2012.01.03
7. Xi Jinping Up and out of poverty. *Selected Speeches and Writings from Fujian*. Foreign Languages Press Co., Ltd. The Secretariat of the Chinese Follow-up Committee of the Forum on China-Africa Cooperation Fujian People's Publishing House Co., Ltd., 2016.
8. Deborah Davis (1989). *Chinese Social Welfare: Policies and Outcomes*. *The China Quarterly*, No. 119, Special Issue: The People's Republic of China after 40 Years (Sep., 1989), pp. 577-597. Cambridge University Press.
9. China's social security system. <https://clb.org.hk/en/content/china%E2%80%99s-social-security-system>
10. A simple overview of China's basic medical insurance system. <https://www.melchers-china.com/posts/a-simple-overview-of-chinas-basic-medical-insurance-system/>
11. Blaxland M., Shang X. & Fisher K.R. (2014). Introduction: People Oriented: A New Stage of Social Welfare Development in China. *Journal of Social Service Research*, 40(4), 508-519. doi:10.1080/01488376.2014.923801
12. Social spending makes up 20% of OECD GDP. <https://www.oecd.org/els/soc/OECD2020-Social-Expenditure-SOCX-Update.pdf>
13. World Bank data for US\$2.5 and US\$5 a day, respectively, 2005 purchasing power parity (PPP).
14. Poverty and Living Conditions Statistics, 2022. <https://data.tuik.gov.tr>
15. Turkey's Integrated Social Assistance System. the World Bank. https://www.aile.gov.tr/SYGM/PDF/Turkeys_integrated_social_assistance_system.pdf



**МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДЛАРИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ ХОЛАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ
(Навоий вилояти мисолида)**

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a15

Ўроқов Мамурали Одил ўғли
Ўзбекистон Миллий университети
Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент
кафедраси таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақола Навоий вилоятида мавжуд бўлган меҳнат ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик таҳлиллар асосида улардан фойдаланиш ҳолати ва ҳаракатининг иқтисодий таҳлиллари олиб борилган. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг бугунги кундаги замонавий ёндашувларини қўллаш орқали вилоятдаги ялпи ҳудудий маҳсулотнинг янада ошиши ҳамда унинг аҳоли жон бошига тушадиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми ошишига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Навоий вилояти, меҳнат ресурслари, ижтимоий-иқтисодий, демографик, иқтисодий таҳлил, замонавий ёндашувлар, ялпи ҳудудий маҳсулот, ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар, синтез-анализ, статистик таҳлил.

**ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В
РЕГИОНАХ НАШЕЙ СТРАНЫ (в примере Навоийской области)**

Уроков Мамурали Одил углы
докторант кафедры “Региональная экономика”
Национального университета Узбекистана

Аннотация. В данной статье представлен экономический анализ имеющихся в Навоийской области трудовых ресурсов на основе анализа их использования. Также анализируются социально-экономические и демографические факторы, влияющие на увеличение валового регионального продукта в регионе и объёма валового регионального продукта на душу населения за счёт применения современных подходов к использованию трудовых ресурсов.

Ключевые слова: Навоийская область, трудовые ресурсы, экономический анализ, современные подходы, валовый региональный продукт, социально-экономические и демографические факторы, синтез-анализ, статистический анализ.